

БҮЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА “КОММУНИКАТИВ-НУТҚ МАДАНИЯТИ” ТУШУНЧАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

**Жиззах давлат педагогика институти Умумий педагогика кафедраси
доценти Содиқов Ҳамид Махмудович**

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив-нутқ маданияти тушунчасини ривожлантиришниң ўзига хос томонлари, афзалликлари юзасидан фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Таълим, ислоҳат, нутқ маданияти, касб, қобилият, қадрият, педагогик жараён, коммуникатив-нутқ, билим, ривожлантириш.

Аннотация: В данной статье описаны особенности и преимущества формирования понятия коммуникативно-речевая культура будущих педагогов.

Ключевые слова: Образование, реформа, культура речи, профессия, способность, ценность, педагогический процесс, коммуникативно-речевое, знание, развития.

Annotation: This article describes the features and benefits of the concept of communicative speech culture of future teachers.

Key words: Education, reform, culture of speech, profession, ability, value, pedagogical process, communicative speech, knowledge, development.

Олий таълим тизимидағи ислоҳотлар нафақат ижтимоий йўналишлар, қадрияtlар, илмий, маданий, ижтимоий ривожланишдаги ўзгаришлар, балки таълим соҳасининг шаклий (анъанавий, кредитли, масофавий таълим) ҳамда мазмунли (намунавий дастурлар, фан циклари, соатлар миқдори, умумкасбий, ихтисослик фанлар блоки, курслар мазмуни, тақдим этиладиган ахборот, таълим хизматлари сифати) жиҳатларини ҳам қамраб олмоқда.

Бундай устуворликлар, энг аввало, бугунги кунда бутун дунёда юз берадётган глобаллашув жараёнлари билан асосланади. Билимларнинг аҳамияти шунчалик ўсдики, ҳатто улар алоҳида худудлар ҳамда бутун давлат ривожланишининг асосий конструктив омилларидан бирiga айланди. Иқтисодиёт, сиёsat, маданиятдаги ўзгаришлар, замонавий жамиятнинг ахборотга бойлиги таълим соҳасидаги унинг роли, ташкил этилиши ва мазмунига ёндашув, туб ўзгаришлар учун асосга айланди.

Шу нуқтаи назаридан келиб чиқиб бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив – нутқ маданияти тушунчаси моҳиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб қаралмоқда. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини оширишда нутқнинг роли жуда катта эканлигини инобатга олиш ва қуйидаги ишларни амалга ошириш лозимdir. Булар:

- нутқга оид тушунчаларни топиш;
- нутқга оид тушунчалар устида ишлаш;
- тушунчалардан педагогикада фойдаланиш имкониятини яратиш;
- тушунчалардан ижтимоийвамъянавий соҳада фойдаланиш имкониятини яратиш кабилар.

Талабаларни ўқитувчилик касбига тайёрлашда ва уларда коммуникатив нутқ маданиятини ривожлантириш жараёнида нутқга оид тушунчалар билан ишлаш қуйидагича амалга оширилиши самарали натижа беради. Мисол учун биз коммуникация тушунчаси борасида бўлажак ўқитувчилар билан фикр алмашадиган бўлсак, коммуникация – бу субъектлар орасидаги ахборот алмашинувини амалга оширадиган жараён эканлигини тўлақонли тушунтишишимиз учун бу тушунча ичидаги тушунчаларга ҳам тўхталиб ўтмасак, коммуникатив нутқнинг мазмун мохияти тўлиқ ёритилмай қолади. Шунинг учун тушунчалар билан ишлаш ҳам ўқитувчидан педагогик билимдонликни талаб қиласди.

Коммуникатив билимдонлик деганда биз асосан бўлажак ўқитувчиларнинг эртанги кунда жамиятда одамлар билан эркин мулоқатга кириши ва фикрларини тушунарли ифодалай олишини тушунамиз. Коммуникатив билимдонлик бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қиласди. Шуни инобатга олган холда шундай холосага келиш мумкинки, бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлигини шакллантиришда коммуникатив қобилият етакчи ўринни эгаллайди.

Коммуникатив қобилият – бу ўқитувчининг ўз ўқувчилари, уларнинг ота – оналари билан, ҳамкасабалари, ўқув муассасаси педагогик жамоаси ва раҳбарлари билан педагогик жиҳатдан мақсадли фаоллашган муносабатларда бўлиш маҳсули ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг мақсади – “ўқитувчи-ўқувчи” тизимида инсонпарварлик, демократик ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш ёрдамида педагогик жараённи такомиллаштириб, унинг сифатини ошириш, шунингдек, педагогик фаолиятни педагогик жараённи инсонпарварлаштириш ва бўлажак ўқитувчиларнинг компетентликларини ошириш ҳисобига яхшилаш, осонлаштиришдан иборат.

Коммуникатив-нутқ маданиятининг тузилишини ҳисобга олиб, биз унга қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти – бу мураккаб интегратив ҳосила бўлиб, ўқитувчи шахсидаги ўзгаришларни акс эттиради, фаолият обьектини такомиллаштириш мақсадида “ўқитувчи-ўқувчи” тизимида самарали коммуникацияни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуудан ташкил топади, касбий шаклланиш жараёнида ўқитувчини касбий тайёрлашнинг аспекти ва натижаси ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, ўқитувчилик касби унинг учта аспектларини эгаллашни талаб этади: мазмунли – “билиш” керак; процессал – «малакага эга бўлиш» керак; шахсий-фаолиятга мотивацион-қадриятли муносабатда ўзгаришлар содир бўлиши керак. Шу билан бирга бугунги кунда нафакат “билиш ва малакага эга бўлиш” муҳим, балки бажарилаётган фаолиятга фаол ижобий муносабат ва бунда ижодий ёндашувни намоён этиш ҳам муҳим.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти тузилишини аниқлашда қуйидагиларга таянамиз:

бўлажак ўқитувчининг «коммуникатив-нутқ маданияти» тушунчасининг моҳиятига;

бўлажак ўқитувчининг касбий ва коммуникатив компетентлигига боғлиқ бўлган яхлит педагогик жараён назариясига;

Бўлажак ўқитувчи учун энг зарури нутқ маданиятини эгаллашдир. Ўқитувчининг нутқи кундан-кунга ўқувчилар учун ибратли бўлиб бориб уларнинг нутқ маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши керак. Нутқнинг грамматик тўғрилиги, унинг лексик бойлиги, яхши ифодаланганлиги, образлилиги, нутқ техникасини эгалланганлиги ўқитувчининг турли хил касбий масалаларни сифатли ечишига имкон беради.

Педагогнинг ташқи кўриниш маданияти, унинг ташқи кўринишга мослик даражаси ва педагогик фаолияти билан баҳоланади. Кенг фикрлилик, тартибли, одобли, босиқлик ва ўзини-ўзи яхши бошқара олиш кабилар педагогик фаолиятнинг муваффакиятли бўлишига олиб келади.

Бўлажак ўқитувчининг коммуникатив-нутқ маданияти, албатта, касбий компетенцияни назарда тутади. Педагогик жараённи такомиллаштириш мақсадида «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида рационал ва самарали ўзаро муносабатни амалга оширишга имкон берувчи билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш коммуникатив-нутқ маданиятининг зарурый таркибий қисмлари ҳисобланади. Яъни, «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида самарали ўзаро муносабатларни таъминловчи малакаларга эгалик ҳамда «ўқитувчи-ўқувчи» тизимидағи ўзаро муносабатлар методидан фойдаланганлик. Бунда бўлажак ўқитувчилар коммуникатив-нутқ маданияти компонентларини (бўлажак ўқитувчилар нутқининг таъсирчанлиги, нутқ маданиятини намойиш эта олиш, нутқ техникасини ўз ўрнида қўллай билиш) коммуникатив-нутқ маданиятининг ривожланганлик мезонларига мос уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демакки ёш авлодни билимли, зукко, изланувчан, ватанпарвар қилиб тарбиялашда бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив-нутқ маданияти тушунчасини янада ривожлантиришга асосий эътиборнимизни қаратишимиз ўз самарасини беради деб айтишимизга асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адуллаева Б.С., Холиков А.А., Содиков Ҳ.М. Умумий педагогика (Педагогик маҳорат) Дарслик. Тошкент 2019 й.
2. Содиков Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг муроқот маданиятини ривожлантиришнинг самарали йўллари. // Халқ таълими журнали. (2-сон) – Тошкент, 2020. 2-сон.
3. Содиков Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчининг «коммуникатив-нутқ маданияти» тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий модели. // ТДПУ Илмий ахборотлари. Илмий журнал. –Тошкент, 2019. 1-сон.
4. Sodiqov Kh. Development of Communicative and Speech Culture in the process of professional development of future teachers. //International Conference. Science, research, development philology, sociology and culturology №5 – Берлин, 2018.

- 5.Содиков Ҳ.М. Педагогик жараёнда талабаларнинг коммуникатив -нутқ маданиятини шакллантирувчи оптимал технологиялар. // Халқ таълими журнали. –Тошкент, 2019. 5-сон
- 6.Sodiqov, X. (2018). THE ESSENCE OF THE CONCEPT "COMMUNICATIVE-SPEECH CULTURE" OF THE FUTURE TEACHER AND HIS THEORETICAL MODEL. *Central Asian Journal of Education*, 2(1), 13-17.
- 7.Sodiqov, N. (2021). ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ ЁШ АВЛОД ОНГИГА СИНГДИРИБ БОРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1).
- 8.Sodiqov, N. (2021). БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА КОММУНИКАТИВ-НУТҚ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. *Физико-технологического образования*, (2).
- 9.Sodiqova, D. (2022). HADISLARNING YOSHLAR TARBIYASIDAGI ANAMİYATI . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5200>